

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАКУЛОВ ЗАФАР КУРБОННАЗАРОВИЧ

ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Бабакулов Зафар Курбонназарович

Товар белгиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш
масалалари.....3

Babakulov Zafar Kurbonnazarovich

Prospects of improving the civil-legal status of trademarks39

Бабакулов Зафар Курбонназарович

Перспективы совершенствования гражданско-правового статуса товарных
знаков 69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 74

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАКУЛОВ ЗАФАР КУРБОННАЗАРОВИЧ

ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Yu141 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Окюлов Оманбай

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзиназаров Шухрат Нуралиевич
юридик фанлар доктори, профессор

Камалов Ойбек Ахматович
юридик фанлар доктори, профессор

Раимова Наргиза Дороевна
юридик фанлар доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 26 ноябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурсмарказида танишиш мумкин (1072-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил 11 ноябрь куни тарқатилди.

(2022 йил 11 ноябрь 14-рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

Д.Ю. Ҳабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар номзоди,
профессор

С.С. Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда товар белгиларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш зарурияти товар ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви жараёнида долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Контрафакт маҳсулотлари савдоси, ҳаммага маълум товар белгиларини ўзлаштириш каби инсофсиз хатти-ҳаракатлар товар белгисини қадрсизлантирадиган, унинг обрўсини туширадиган, қолаверса, давлатнинг халқаро имиджига путур етказувчи энг катта иқтисодий ва ижтимоий хавфлардан ҳисобланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг ҳисоб-китоби бўйича, 2020 йилда божхона органлари олиб қўйган товарлар ҳақидаги маълумотларга кўра, дунёда контрафакт товарларнинг халқаро савдоси тахминан 509 миллиард долларни ташкил этган. Бу эса халқаро савдо-сотик ҳажмининг 3,3 фоизи¹ дегани. Контрафакт товарларни ишлаб чиқаришнинг катта қисми Хитой, Гонк-Конг, Туркия, Сингапур давлатлари ҳиссасига тўғри келади². Хусусан, Хитойда 2020 йил октябрь – декабрь ойларида 4 миллиондан ортиқ веб-сайт ва онлайн дўконлар ўрганилганда, улардан 23,100 тасида контрафакт товарлар сотилаётганлиги маълум бўлган³. 2020 йил ҳолатига кўра, виртуал савдоларда биргина кийим-кечаклар соҳасида қалбакилаштиришдан халқаро йиллик савдо йўқотишлари 26,3 млрд евро, косметика ва шахсий парвариш маҳсулотлари соҳасида эса 4,7 млрд еврони ташкил этган⁴. 2019 йилда виртуал контрафакт савдолар АҚШ иқтисодига 29,2 млрд доллар зарар етказган⁵.

Жаҳон товар белгилари қонунчилиги ва амалиёти бир хил хусусиятга эга эмаслиги сабаб аниқ мазмундаги трансчегаравий товар белгилари масалалари турли давлатларда турлича тартибга солинмоқда. Бу эса халқаро товар белгилари қонунчилигини бирхиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Хусусан, мазкур масалаларда товар белгисини ҳаммага маълум деб тан олиш мезонларини уйғунлаштириш, товар белгиларини рўйхатдан ўтказишнинг универсал тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш, параллел импортда товар белгиси муомаласини тартибга солиш, бунда лицензиатнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фуқаровий ва маъмурий тартибини такомиллаштириш, бир хил ва ўхшаш товар белгилари муомаласини тартибга солишнинг аниқ механизм ва мезонларини ишлаб чиқиш, товар белгисидан домен номи, фирма номи, хизмат кўрсатиш белгиларида параллел фойдаланиш тартибини белгилаш, иқтисодиётни рақамлаштиришда товар белгисига нисбатан ҳуқуқни ўзлаштириш ва инсофсиз таққослашда устувор ҳуқуқни камситмаслик, виртуал савдолар (маркетплейс)да товар белгисини муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш, товар белгиларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун алоҳида тегишли жавобгарликни белгилаш долзарб аҳамиятга эгадир.

Республикамизда товар белгилари соҳасида амалга оширилаётган

¹ Organization for Economic Co-operation and Development (OECD) and European Union Intellectual Property Office (EUIPO) (2019), Trends in Trade in Counterfeit and Pirated Goods, available at: <https://doi.org/10.1787/g2g9f533-en>.

² <https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/g2g9f533-n.pdf?expires=1644816653&id=id&accname=guest&checksum=0DEF081DE55132AC5B985E83805289C4>

³ https://www.wipo.int/edocs/mdocs/enforcement/en/wipo_ace_od_1/wipo_ace_od_1_2.pdf

⁴ <https://www.statista.com/statistics/1117921/sales-losses-due-to-fake-good-by-industry-worldwide/#statisticContainer>

⁵ U.S. Chamber of Commerce, Impacts of Digital Piracy on the U.S. Economy (June 2019). <https://www.theglobalipcenter.com/wp-content/uploads/2019/06/Digital-Video-Piracy.pdf>

ислохотларнинг асосини соғлом рақобатни қарор топтириш, контрафакт маҳсулотлари савдосига чек қўйиш, халқаро қонунчиликнинг ижобий ютуқларидан фойдаланиб, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш чора-тадбирлари кабилар ташкил этади. Айтиш мумкинки, сўнгги йилларда интеллектуал мулк ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш механизми такомиллаштирилди. Товар белгилари соҳасидаги миллий қонунчилик қоидалари Париж конвенцияси, ТРИПС келишуви, Сингапур шартномаларига мувофиқлаштириб борилмоқда. Хусусан, товар белгисига эгалик қилувчининг мақоми, товар белгисини “мақсадсиз эгаллаш” тамойилининг қонунчилик асослари қайта қўриб чиқилди ва халқаро талабларга мослаштирилди. Мамлакат иқтисодиёти тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда⁶. Лекин хали-ҳануз интеллектуал мулк, хусусан товар белгиси соҳасидаги қонун ҳужжатларининг халқаро қонунчилик стандартларига мувофиқ келмаслиги мамлакатда инвестициявий жозибардорликни таъминлаш ва товар бозорида соғлом рақобатнинг қарор топишига тўсиқ бўлмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириш жараёнини ортга сурилишига олиб келмоқда. Мазкур ҳолатларни ўзи ушбу соҳани тадқиқ этишнинг долзарб эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги (2001), «Рақобат тўғрисида»ги (2012), «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунлари (2006); Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) Фармони, “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019) ва “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021), “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2022) Қарорлари, шунингдек мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.02.2019 й., 07/19/4168/2594-сон.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁷.

Товар белгиларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, International Intellectual Property Institute (Япония), Intellectual Property Institute of Canada (Канада), Swiss Federal Institute of Intellectual Property (Швейцария), Chulalongkorn University Intellectual Property Institute (Таиланд), Munich Intellectual Property Law Center, Max Planck Institute for Innovation and Competition (Германия), Intellectual Property Institute at the University of Richmond School of Law (АҚШ), Oxford Intellectual Property Research Centre (Буюк Британия), University of Windsor (Канада), Humboldt-Universität zu Berlin (Германия), University of Oslo (Норвегия), Stockholm University (Швеция), University of Szeged (Венгрия), Stanford University (АҚШ), University of Tokyo (Япония), Nagoya University (Япония), Australian National University (Австралия), Case Western Reserve University (АҚШ), University of Johannesburg (АҚШ), University of Sussex (Буюк Британия), KU Leuven (Бельгия), Faculty of Law - University of Göttingen (Германия), National University of Singapore (NUS) - Faculty of Law (Сингапур), Indian Law Institute (ILI) (Ҳиндистон), Ankara University (Туркия), East China University of Political Science and Law (ECUPL) (Хитой), Ateneo de Manila University Law School (Филиппин), University of Indonesia (Индонезия), City University of Hong Kong (Гон-Конг) ва бошқаларга амалга оширилган.

Дунёда товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ва уни ишлаб чиқаришда қўллаш, товар белгисига доир ҳуқуқни муҳофаза қилиш, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни савдога киритиш, товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга тақдим этиш каби масалалар борасида муайян илмий натижаларга эришилиб, хусусан товар белгилари қонунчилигини тизимлаштириш, товар белгиларини инсофсиз рақобатдан муҳофаза қилиш (Munich Intellectual Property Law Center (Германия), рақамлаштириш даврида товар белгиларини ҳимоя қилиш (Oxford Intellectual Property Research Centre (Буюк Британия), халқаро савдода товар белгиларини муҳофаза қилиш (Stockholm University (Швеция), товар белгиларига нисбатан инсофсиз рақобат масалалари (University of Windsor (Канада), товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсга бериш (Yale University (АҚШ), Интернетда товар белгисидан фойдаланиш ва унга нисбатан ҳуқуқларни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш (Stanford University (АҚШ), товар белгисидан маҳаллий ва халқаро доирада фойдаланиш учун лицензия бериш (Harvard University (АҚШ), пандемия (Covid-19) даврида товар белгисидан фойдаланиш масалалари (фойдаланишни истисно қилувчи ҳолатлар) (Maastrich University (Нидерландия), ҳаммага маълум товар белгисини ҳимоя қилишда Европа Иттифоқи доктринаси (Hamburg University (Германия), ноанъанавий товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланишдаги ўзаро коллизиялар (Kyushu University (Япония), домен номида товар белгисидан

⁷ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: iipi.org, ipic.ca, www.ige.ch, www.chula.ac.th, www.ip.mpg.de, www.miplc.de, www.law.ox.ac.uk, www.uwindsor.ca, llm-guide.com, www.huberlin.de, www.uio.no, www.su.se, u-szeged.hu, illinois.edu, law.unh.edu, www.stanford.edu, www.u-tokyo.ac.jp, en.nagoya-u.ac.jp, www.anu.edu.au, law.uark.edu, www.ntu.ac.uk, law.tamu.edu, case.edu, mckinneylaw.iu.edu, www.uj.ac.za, www.sussex.ac.uk, www.kuleuven.be, www.uni-goettingen.de, www.nus.edu.sg, www.ili.ac.in, www.ankara.edu.tr, study.ecupl.edu.cn, www.ateneo.edu, international.ui.ac.id, www.uwe.ac.uk

фойдаланиш: ўзаро зиддият ва низо масалалари (University of Hong Kong (Хитой), банкротликда товар белгисининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми (Waseda University (Япония), товар белгисини интеллектуал мулкнинг бошқа объектлари билан ўзаро нисбатан ва муаллифлик ҳуқуқидан товар белгисидан фойдаланиш (Lomonosov Moscow State University (Россия Федерацияси) масалалари тадқиқ этилган.

Бугунги кунда дунёда товар белгилари муомаласини тартибга солиш ва ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда: рақамли иқтисодиётда товар белгисининг ҳуқуқий мақоми ва уни шахсийлаштиришнинг бошқа воситалари билан ўзаро нисбати масалалари; ҳаммага маълум товар белгисининг халқаро муҳофазасини таъминлашда халқаро шартнома ва конвенциялар қоидаларини қўллаш (хусусан, дунё давлатлари товар белгилари қонунчилигини бирхиллаштириш), Интернетда товар белгисидан фойдаланиш шартлари ва тартиби (товар белгиларини киберқароқчиликдан муҳофаза қилиш) масалалари; товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни гаровга қўйиш масалалари; товар белгиларининг ўзаро бир хиллиги ёки ўхшашлиги қоидалари бўйича ягона тизимни яратиш масалалари.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Товар белгисининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг айрим масалалари мамлакатимиз олим ва тадқиқотчиларидан – Ҳ.А. Раҳмонқулов, И.Б. Зокиров, О. Окюлов, Н.Ф. Имомов, И.И. Насриев, И.Р. Рустамбеков, Д.А. Огай, Б.У. Ахмаджонов, С.М. Сафоева, З.С. Акрамходжаева⁸ ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

МДҲ давлатлари, хусусан Россия Федерациясида товар белгисининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми Д.В. Мазаев, А.Д. Кудаков, А.Г. Полтавченко, М.Н. Панкова, В.С. Никулина, А.К. Шульга, Р.А. Хасанов, Р.О. Кононенко, К.К. Рамазанова, Н.Ю. Сергеева, О.В. Терещенко, С.В. Бутенко, Т.А. Вахнинлар томонидан тадқиқ этилган (РФ)⁹. Шунингдек, Р.Ж. Абуова, Н.Б. Абдреева, К.Е. Бейсембин, В.В. Зинченко, Е.У. Ихсанова, Т.Е. Каудыров (Қозоғистон), И.А. Петров, Я.О. Иолкин, О.В. Пихурец, Л.Дж. Романадзе, О.П. Светличный, Т.О. Загорна (Украина), Т.В. Маевская, (Беларус) Р.В. Мирбабаева, Г.И. Тахиров, Н.А. Табаров, Х.Дж. Мусоев, Т. Махмудхонов (Тожикистон) каби бошқа МДҲ давлатлари олимлар томонидан ҳам товар белгисининг мақоми ўрганилган.

Бошқа хорижий давлатларда Barton Beebe, David Hal Bernstein (АҚШ, Нью Йорк университети), Robert C. Bird, Joel H. Steckel, Rebecca Tushnet, Richard M. Andrede, Graeme B. Dinwoodie, A. Nicholas Falkides (АҚШ, Пенсилвания университети), Mark P. McKenna (АҚШ, Калифорния, Берkeley университетлари), Dirk Visser (Голландия, Леиден университети), Phan Ngoc Tam (Швеция, Лунд университети), Ozgur Arican, Dima Vasma (Буюк Британия, Манчестер университети) каби олимлар ҳам товар белгисининг ҳуқуқий мақоми борасида илмий изланишлар олиб боришган.

Юқорида номлари келтирилган миллий муаллифларнинг илмий ишларида товар белгисига нисбатан ҳуқуқлар фуқаролик қонунчилигига мувофиқ умумий асосларда таҳлил қилинган. Шунга қўра, товар белгисига нисбатан фуқаролик-

⁸ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари билан диссертацияда танишиш мумкин.

⁹ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари билан диссертацияда танишиш мумкин.

ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида олиб борилаётган ИЛ-422105579 “Интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими ҳамда судьяларни интеллектуал мулк соҳасида ўқитиш бўйича мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш” номли инновацион гранти доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади товар белгилари фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг қонунчилик асосларини комплекс такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, товар белгиларининг илмий-назарий масалаларини таҳлил қилиш, асослаш, тегишли халқаро ҳужжатлар қоидаларини миллий қонунчиликка унификация қилиш ва қўллаш механизмларини таҳлил қилиш ва таклиф беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мутлақ ҳуқуқларни илмий-назарий ва амалий ўрганиш, унинг доктринал жиҳатларини таҳлил қилиш;

товар белгисига доир ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар бериш;

товар белгисининг давлат томонидан тан олиниш ва муҳофаза қилинишнинг илмий-амалий жиҳатларини таҳлил қилиш;

товар белгисига нисбатан ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий қоидаларни такомиллаштириш юзасидан қонунчиликка таклифлар бериш;

товар белгисининг фуқаролик-ҳуқуқий режимини аниқлаштириш;

интеллектуал мулкнинг бошқа объектлари билан товар белгисининг ўзаро нисбати масалаларини таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш;

товар белгисига доир ҳуқуқни бекор қилишга нисбатан манфаатдор шахс талаблари, уларни АҚШ қонунчилигига кўра ўрганиш ва қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқиш;

товар белгисидан лицензия, гаров шартномаларида фойдаланиш ҳамда товар белгисига нисбатан ҳуқуқни тасарруф этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартиб-қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

товар белгиси муносабатларида инсофсиз рақобат ва унинг ҳуқуқий оқибатларини бартараф таҳлил қилиш ва таклифлар бериш;

иқтисодиётни рақамлаштиришда товар белгиларини муҳофаза қилишнинг илмий-амалий жиҳатларини ўрганиш ва асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти товар белгиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини комплекс такомиллаштириш билан боғлиқ муносабатлар тизимидан иборат.

Тадқиқотнинг предметини товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида тартибга солишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий давлатлар қонунчилиги ва халқаро

хужжатлар, юридик соҳадаги концептуал таълимотлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий, индукция ва дедукция, аниқ социологик, илмий манбааларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

товар белгисидан ҳуқуқ эгасининг охириги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахсининг талаби бўйича суднинг қарорига асосан бекор қилиниши мумкинлиги асосланган;

даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза фақатгина биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати қабул қилингунга қадар берилиши мумкинлиги, агар бундай ариза ишни апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўриш жараёнида берилса, у қаноатлантирилмаслиги ва бу ҳақида суд ҳужжатининг асослантирувчи қисмида кўрсатилиши, бундан ишнинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган жавобгар йўқлигида кўрилганлиги сабабли биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори (суд ҳужжати) бекор қилиниб, низо юзасидан янги қарор қабул қилинган ҳоллар мустаснолиги асосланган;

даъвогар томонидан ўтказиб юборилган даъво муддатини узрли деб топиш ва уни тиклаш ҳақида ариза фақатгина биринчи инстанция судига берилиши, даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги фақат биринчи инстанция суди томонидан узрли деб топилиши мумкинлиги, бундай аризанинг апелляция, кассация инстанцияси судида кўрилаётган пайтда берилиши ўтказиб юборилган даъво муддатини тиклаш ва бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиниши учун асос бўла олмаслиги асослантирилган;

судларда низоли бўлган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб фақат ФКда кўрсатилган шахслар томонидан тақдим этилиши мумкинлиги боис суд муҳокамаси давомида даъвогарда низоли бўлган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд эмаслиги аниқланса, даъвони қаноатлантириш рад этилиши асослантирилган;

товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилиши, бунда мутлақ ҳуқуқ товар белгиси Товар белгиларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш даврида амалга оширилиши ҳамда товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўша куннинг ўзида Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши лозимлиги асослантирилган;

товар белгисидан ёки улар билан адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган бир турдаги товарлар учун белгилардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун жарима қўллаш тартиби ва миқдори, шунингдек тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тизимини соддалаштириш, уларнинг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилиқ мезонлари, муҳофаза қилиш шартлари ишлаб чиқилди;

товар белгиларини рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиб-таомиллари ва ҳуқуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланиш бўйича ҳисобдорлиги ишлаб чиқилди;

товар белгисининг интеллектуал мулкнинг айрим объектлари ва шахсийлаштириш воситалари билан ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг муомалада бўлиш тартиб-тамойили ишлаб чиқилди;

товар белгисига нисбатан ҳуқуқни амалга оширишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари ўрганилди ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

контрафакт товарлар савдолари муомаласини тартибга солиш механизми ишлаб чиқилди. Унга қарши курашишда Дубай ва Ҳиндистон тажрибасидан фойдаланиш шартлари ва тартиби белгилаб берилди;

маркетплейсда товар белгилари воситасида савдо қилиш бўйича қоидалар ишлаб чиқилди;

товар белгисини инсофсиз рақобатдан муҳофаза қилиш масалалари ўрганилди ҳамда тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

товар белгиларидан ноқонуний фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг аниқ чегараси ва доираси белгилаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, ижтимоий сўровноманинг анкета сўровига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти ундаги илмий ва назарий хулосалар, таклифлар келгусидаги илмий фаолиятда, қонун нормалари ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонунчилигининг тегишли қоидаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, интеллектуал мулк ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ва оммавий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда товар белгиларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини аниқлаш, тартибга солиш ва ҳал қилиш йўллари бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда акс этади:

товар белгисидан охириги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби бўйича суднинг қарорига асосан бекор қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1104-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрдаги ЎРҚ-640-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон) ва 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрдаги ЎРҚ-640-сонли Қонуни таҳририда - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 15 октябрдаги №10-сонли далолатномаси) Ушбу таклиф товар белгиларига нисбатан шунчаки эгалик қилиш ҳуқуқини аниқ муддатга кўра чеклашга хизмат қилган;

даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза фақатгина биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати қабул қилингунга қадар берилиши мумкинлиги, агар бундай ариза ишни апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўриш жараёнида берилса, у қаноатлантирилмаслиги ва бу ҳақида суд ҳужжатининг асослантирувчи қисмида кўрсатилиши, бундан ишнинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган жавобгар йўқлигида кўрилганлиги сабабли биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори (суд ҳужжати) бекор қилиниб, низо юзасидан янги қарор қабул қилинган ҳоллар мустасно тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2015 йил 19 июнь 282-сонли “Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 9-бандига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги 18-сон қарори таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 12 декабрдаги 11-82-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф товар белгилари ва бошқа мулкӣ хусусиятдаги низоларга оид даъво аризани судларга киритишнинг процессуал муддатини аниқ белгилашга хизмат қилган;

даъвогар томонидан ўтказиб юборилган даъво муддатини узрли деб топиш ва уни тиклаш ҳақида ариза фақатгина биринчи инстанция судига берилиши, даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги фақат биринчи инстанция суди томонидан узрли деб топилиши мумкинлиги, бундай аризининг апелляция, кассация инстанцияси судида кўриляётган пайтда берилиши ўтказиб юборилган даъво муддатини тиклаш ва бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиниши учун асос бўла олмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2015 йил 19 июндаги 282-сонли “Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари

ҳақида”ги қарорининг 16.1-бандининг биринчи хатбошисига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги 18-сон қарори таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 12 декабрдаги 11-82-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф мулкӣ ва номулкӣ хусусиятдаги низоларни фақат биринчи инстанция судлари томонидан узрли деб топиш ва уни қўллашнинг процессуал тартибини амалга оширишга хизмат қилган;

судларда низоли бўлган битимни ҳақиқӣ эмас деб топиш тўғрисидаги талаб фақат ФКда кўрсатилган шахслар томонидан тақдим этилиши мумкинлиги боис суд муҳокамаси давомида даъвогарда низоли бўлган битимни ҳақиқӣ эмас деб топиш тўғрисида даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд эмаслиги аниқланса, даъвони қаноатлантириш рад этилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 17-сонли “Иқтисодӣ судлар томонидан битимларни ҳақиқӣ эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” қарори 7-бандининг биринчи хатбошисига ҳамда ушбу Пленум қарорининг 26-бандида битимнинг ҳақиқӣ эмаслиги оқибатларини қўллаш бўйича таклиф ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 12 декабрдаги 11-82-21-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф товар белгиси ва бошқа хусусиятдаги муносабатларга оид низоли битимларни ҳақиқӣ эмас деб топишга оид даъволар фақат ишга дахлдор шахслар томонидан тақдим этилишининг процессуал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилади. Бунда мутлақ ҳуқуқ товар белгиси Товар белгиларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш даврида амалга оширилади ҳамда товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўша куннинг ўзида Агентликнинг расмӣ веб-сайтига жойлаштирилади мазмунидаги таклиф 2001 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддаси иккинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 августдаги ЎРҚ–709-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон) (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 июндаги 12-19-8-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф товар белгиларига аниқ товар турларининг тегишлилигини ва ундан барчанинг хабардор бўлишини таъминлашга хизмат қилган;

товар белгисидан ёки улар билан адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган бир турдаги товарлар учун белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жарима қўллаш тартиби ва миқдори, шунингдек тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши кераклиги мазмундаги таклифлар 2001 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунига янги 371-

модда киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 августдаги ЎРҚ–709-сонли Қонуни таҳририда – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон) (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 июндаги 12-19-8-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф товар белгиларидан қонунга зид фойдаланганлик учун жавобгарликнинг аниқ миқдорини белгилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан 2 та монография, 20 та мақола (8 та хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Докторлик диссертацияси кириш, 15 та параграфни қамраб олган 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 257 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Товар белгисининг ҳуқуқий мақомига нисбатан илмий-назарий тавсиф**» деб номланган биринчи бобида товар белгисининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми ва унга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар доктринасининг илмий-амалий таҳлили; товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилиш шартлари ҳуқуқий мақомнинг зарурий белгиси сифатида; товар белгисининг давлат томонидан тан олинмиш тартибининг илмий-амалий таҳлили: миллий ва хорижий тажриба каби масалалар таҳлил қилинганлиги тадқиқ этилган.

Интеллектуал фаолият натижаларига тенглаштирилган шахсийлаштириш воситаларининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, товар белгисига нисбатан ҳуқуқлар алоҳида фуқаролик-ҳуқуқий муносабат шакли сифатида амалга оширилади ва муҳофаза қилинади. Товар белгисини рўйхатдан ўтказилганлиги устувор мақомини белгилаб, учинчи шахсларга ушбу товар белгиси билан бир хил ёки адаштириш даражасидаги ўхшаш бошқа белгилардан фойдаланиш ва рўйхатдан ўтказишни тақиқлайди. Мазкур устуворлик товар белгисининг нисбий устуворлиги бўлса, мутлақ ҳуқуқий устуворлик эса ҳаммага маълум товар белгиларига

тегишлидир. Бу ерда сўз фақат миллий устуворлик тўғрисида кетмоқда. Халқаро даражадаги устуворликни тан олиш масаласи эса эътибордан четда қолган. Тўғрироғи халқаро юрисдикцияга тегишли бўлган товар белгиларини тўғридан-тўғри миллий процедурада бошқа шахслар томонидан ўзлаштириб олиш ҳолатларини тақиклашга қаратилган қоида амалдаги қонунчиликда ўз аксини топмаган. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон ребрендинг даражаси юқори бўлган давлатлар сирасига киради. Бу амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги бўшлиқлар мавжудлигидан дарак беради ва айтилиши вақтда бу мамлакатнинг халқаро рейтингдаги ўрнига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг салбий томонлари биринчидан, хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга сармоя киритиш ва ўз брендини рўйхатдан ўтказиш имконияти чекланган, иккинчидан, бозорда контрафакт маҳсулотлари ҳажми ортиб, истеъмолчиларнинг чалғишига олиб келмоқда. Тадқиқотчи ушбу масалаларни таҳлил қилган ҳолда халқаро брендларнинг миллий устуворлигини сўзсиз таъминлаш шартлигини, бунда рўйхатдан ўтказиладиган ҳар бир товар белгисига қарши халқаро бренд устуворлиги (Париж конвенциясининг 6-bis-моддаси устуворлиги)ни белгилашни таклиф қилади.

Дунёда бир қанча мутлақ ҳуқуқлар доктринаси мавжуд. Худудийлик, чекловчи, шартнома, утилитар, пропритар, монополия доктриналари шулар жумласидан. Ҳар бир доктрина ўзига хос қоидаларга асосланади. Қайд этиш лозим, рақамли иқтисодиётда айрим доктриналар ўз аҳамиятини йўқотиб бораётган бўлса (утилитар, пропритар, монополия, чекловчи), айримлари замон талабига мувофиқ ривожланмоқда. Бунга “Киберҳимоя” доктринасини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу доктрина Европа, АҚШ, Германия, Франция, Япония каби давлатларда инсофсиз рақобат ва истеъмолчи манфаатларига қарши ҳаракат сифатида баҳоланиб, уни тартибга солиш борасида алоҳида махсус ҳуқуқий механизм яратилган. Ўзбекистонда эса мазкур доктринанинг мавжудлиги борасида амалий фактлар (суд низолари) бўлишига қарамай ҳали-ҳануз назарий ва қонунчилик асослари белгилаб берилмаган. Судларда киберскуаттинг билан боғлиқ низоли амалиёт мавжуд, аммо уларни ҳал этиш бўйича аниқ норматив кўрсатмалар йўқ. Бу эса, судларнинг ушбу тоифадаги низоларга ҳуқуқий баҳо беришда бир йўналишда кетмаслигига, оқибатда эса бир-бирини инкор қилувчи қарорларнинг қабул қилинишига сабаб бўлмоқда. Тадқиқотчининг фикрича, мазкур доктрина онлайн савдоларда истеъмолчинини контрафакт товарлардан муҳофаза қилиш, товар белгиларини домен номларида ўзлаштиришдан муҳофаза қилиш йўналиши бўйича кетишни таклиф қилади. Муаллиф “Киберҳимоя” доктринасини “квази” доктрина деб ҳисоблаб, уни “Шартнома” доктринасининг умумий қоидаларига боғлиқлигини қайд этади. “Шартнома” доктринаси АҚШ, Жанубий Корея, Франция, Европа Иттифоқи давлатлари товар белгилари қонунчилигида устувор назариялардан ҳисобланади. Айниқса, АҚШ товар белгилари қонунчилиги ва амалиётида “шартнома” доктринаси устувор мақомга эга. Ўзбекистонда эса сўз юритилаётган доктринанинг қонунчилик асослари мавжуд бўлсада, уни амалга ошириш механизми тўғри йўлга қўйилмаган. Айрим ҳолларда, қонунчиликда шартнома доктринаси мазмуни қолиб кетиб, монопол доктрина мазмунига тенглашиб қолган. Бу айниқса, товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш, товар белгисининг устуворлигини белгилаш, товар

белгиси эгасининг ҳуқуқларини унга нисбатан монопотлашганлиги, ҳаммага маълум товар белгиларини тан олишдаги вақт ва муҳофаза тизимини жорий қилишдаги ҳолатларнинг аниқ мезонларга асосланмаганлиги (субъектив мақсадга йўналтирилганлиги) шулар жумласидан. Тадқиқотчининг фикрича, юзага келган муаммони бир ёки иккита қонун ҳужжатига ўзгартириш киритиш билан ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун шахсийлаштириш воситаларини алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи яхлит қонунчилик ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу комплекс ҳужжатда шахсийлаштириш воситаларини рўйхатдан ўтказиш, тижорат муносабатларида улардан фойдаланишни тартибга солиш, учинчи шахсларнинг уларга нисбатан ҳуқуқлари, алоҳида муҳофаза чоралари каби масалаларнинг ечими кўрсатиб берилиши лозим. Тадқиқотчи ушбу ўринда Интеллектуал мулк кодексини қабул қилиш ва унда шахсийлаштириш воситалари билан боғлиқ умумий ва махсус қоидаларни белгилаш лозимлигини қайд этади.

Товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилиш аввало унинг шундай муҳофаза талабларига жавоб бериши билан белгиланади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, нафақат миллий балки бошқа хорижий давлатларда товар белгисини бошқа белгилардан фарқланишини кўрсатиб берувчи асосий масалалардан бири, бу эълон қилинган белгининг ажралиб туриш хусусиятига эга бўлиши керак бўлган вақтни қонун билан тартибга солинмаганлигидир. Қоидага кўра, товар белгисининг устуворлигини белгилаш масаласи ваколатли органнинг локал ҳужжатлари орқали белгиланади. Бу эса далилларни ҳисобга олишда ноаниқликларни келтириб чиқаради. Чунки амалдаги қонунчиликда белгидан товар ишлаб чиқаришда фойдаланиш рўйхатдан ўтказилмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин. Белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмаганлиги ва ҳуқуқий муҳофаза қилинмаганлиги, бир товарга нисбатан икки ва ундан ортиқ шахсларнинг фойдаланиш ҳолатини юзага келтиради. Тадқиқотда ушбу масалалар атрофлича таҳлил қилинди. Диссертантнинг фикрича, ҳуқуқий устуворлик масаласи ким биринчи бўлиб белгидан фойдаланаётган бўлса, иккинчи шахс эса ушбу товар белгисининг обрўсидан фойдаланиб ўзининг номига рўйхатдан ўтказган бўлса, ушбу иккинчи шахснинг ҳаракатлари инсофсиз ҳаракат деб топилиши ва иккинчи шахснинг товар белгисига нисбатан ҳуқуқлари биринчи шахснинг талаби билан бекор қилиниши лозим. Ушбу талаб гарчи бошқа белгилар (фирма номи, домен номи)га нисбатан ҳуқуқ товар белгисидан олдин вужудга келган бўлса ҳам қўлланилиши лозим. Товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилиқ талаблари ўрганиб чиқилганда товар белгисини “мутлақ”, “нисбий”, “чалғишига олиб келувчи” каби мезонларнинг аниқ чегараси белгилаб берилмаган. Тадқиқотчи, бундай чалкашлик ваколатли органнинг товар белгисига нисбатан субъектив ёндашувига олиб келиши мумкинлигини қайд этади. Айти вақтда, ушбу ҳолат *коррупция*нинг келиб чиқишига ҳам замин яратади. Чунки субъектив ёндошилган ҳар қандай ҳолат кимнингдир моддий ёки бошқа шахсий манфаатларига хизмат қилиши мумкин. Диссертант томонидан мазкур масалалар атрофлича ўрганилди ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлари ишлаб чиқилди.

Дунёда товар белгиларини миллий ва минтақавий рўйхатдан ўтказиш тизимлари халқаро товар белгилари қонунчилиги таҳлили асосида ишлаб чиқилди.

Тадқиқотчи мазкур рўйхатга олиш тизимларини “мухолиф”, “оммавий” ва “аралаш” каби учта моделга бўлишни таклиф қилади. Хусусан, оммавий модель бўйича рўйхатга олиш тизимида ваколатли орган белгини рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг нисбий асосларини текширади. Мазкур моделда учинчи шахсларнинг эътироз билдириши товар белгисини рўйхатдан ўтказишнинг мажбурий босқичи сифатида кўзда тутилмаган. Шундай моделдаги давлатларга Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон Украина, Беларус киради. Мухолиф тизимда рўйхатга олишда, агар белгини рўйхатдан ўтказишга учинчи шахсларнинг қарши эътирози бўлмаса, товар белгиси қисқа вақтда рўйхатдан ўтказилади. Мазкур моделга Европа Иттифоқи давлатларини мисол қилиб келтириш мумкин. Товар белгисини рўйхатдан ўтказишда аралаш тизим ҳам амал қилиб, унга АҚШ ва Хитой давлатлари киради. Тадқиқотчи мазкур моделларнинг афзалликларини ўрганиб, Ўзбекистонда товар белгисини рўйхатдан ўтказишда оммавий модель билан бирга аралаш моделдан, яъни АҚШ тажрибасидан фойдаланишни мақсадга мувофиқлигини эътироф этади. Диссертант АҚШ товар белгилари қонунчилигининг иккита тажрибасидан, биринчиси товар белгисини рўйхатдан ўтказишда Асосий ва Қўшимча реестр тизимини жорий қилиш, иккинчиси ҳуқуқ эгасининг ўз товар белгисидан фойдаланиш шартлиги (*the mark is in use in commerce*) (Lanham Trademark Act § 1 (15 U.S.C. § 1051) (3-C)-модда) ва бу бўйича ваколатли орган олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш лозимлигини таклиф қилади. Тадқиқотчи “*the mark is in use in commerce*” концепцияси мутлақ ҳуқуқ эгаси товар белгисига нисбатан шунчаки “*кераксиз буюм*” каби эгалик қилиш ҳуқуқини чеклайди, иккинчидан агар ҳуқуқ эгаси ўз товар белгисидан фойдаланмаса, унга бўлган ҳуқуқ бекор қилинади ва манфаатдор шахснинг ундан ҳақли равишда фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

«Интеллектуал мулк объекти сифатида товар белгисининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилаш муаммолари» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида товар белгисининг фуқаролик-ҳуқуқий режими масалалари; товар белгисининг трансчегаравий савдо муомаласидаги фуқаролик-ҳуқуқий мақоми масалалари; товар белгисининг интеллектуал мулкнинг айрим объектлари билан ўзаро муносабати ва унга нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш шартлари ва тартиби; товар белгисига нисбатан ҳуқуқларни муддатидан олдин бекор қилиш масалалари тадқиқ этилган.

Мутлақ ҳуқуқий режим товар белгисига нисбатан ҳуқуқ эгасининг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг фуқаровий ва ташкилий-ҳуқуқий тартиб-таомилларини белгилаб берувчи юридик ҳолатдир. Диссертацияда мазкур масалалар атрофилча таҳлил қилинди. Ўрганилишича, Ўзбекистон қонунчилигида товар белгилари режими талаблари халқаро режими талабларига мувофиқ эмас. Хусусан, Ўзбекистон Париж конвенцияси аъзоси бўлишига қарамай, ундаги 6-bis-моддаси талаблари миллий қонунчиликда тўғридан-тўғри белгиланмаган. Бу эса, учинчи шахсларга дунёга машҳур брендларни Ўзбекистонда ҳеч бир тўсиқсиз товар белгиси, фирма номи, хизмат кўрсатиш белгиси, домен номи шаклида рўйхатдан ўтказиш имконини беради. Бу ўз навбатида икки ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради, биринчиси, брендни ўзлаштирган шахс бозорда ўз рақобатчиларига нисбатан устун мавқега эга бўлади, иккинчиси бренд унинг эгасига ёки унинг рақобатчиларига ёхуд

бошқа шахсларга сотиш мақсади кўзланади. Тадқиқотчининг фикрича, ҳаммага маълум товар белгилари режимини таъминлаш мақсадида халқаро тан олинган брендларни Ўзбекистонда ортиқча ташкилий-ҳуқуқий талабларсиз, тан олиш ва уларни Ўзбекистонда бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказишни чеклаш билан боғлиқ қоидаларни белгилаш лозим. Агар ҳуқуқий муҳофазага тақдим этилган бренд олдинроқ бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган бўлса, бекор қилиниши лозим. Муаллифнинг фикрича, шундай бекор қилиш агар миллий устуворликка эга бўлган (ўзлаштирилган товар белгиси) унинг ҳақиқий эгаси томонидан фойдаланилаётган товар белгиси остидаги товарлари билан бир хил бўлса ҳамда унинг бозордаги обрўсидан фойдаланиш орқали бошқа шу турдаги товарлар ичида устувор мавқега эга деб ҳисобланса ва амалда бу исботланса, ушбу учинчи шахснинг товар белгисига нисбатан ҳуқуқлари ҳаммага маълум товар белгиси эгаси ёки бошқа манфаатдор шахснинг талабига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши лозим. Қолаверса, товар белгисини фуқаролик муомаласида бўлишини таъминловчи фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тизими ҳам мақбул даражада такомиллашмаган. Хусусан, товар белгисидан биргаликда фойдаланиш, мутлақ ҳуқуқлар гарови, мутлақ ҳуқуқни бегоналаштириш, лицензия шартномаси, товар белгисига доир ҳуқуқни улуш сифатида киритиш каби шу ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қўлланилиш ҳолати турли ҳуқуқий масалаларни келтириб чиқармоқда. Бу эса миллий товар белгилари режимининг халқаро режим талабларига мос эмаслигидан далолатдир.

*Товар белгисига бўлган ҳуқуқларнинг трансчегаравий тижорат айланиши деганда ҳуқуқий ҳимоянинг пайдо бўлиши ва амалга оширилиши, шунингдек, ҳуқуқларнинг трансчегаравий ўтиши билан боғлиқ юзага келадиган хорижий элемент билан мураккаблашган тижорат хусусиятидаги муносабат деб тушунилиши муаллиф томонидан таъкидланади. Белгиларнинг айрим турларини миллий қонунчилик томонидан ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган деб тан олинмаслиги турли давлатларда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган белгиларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини бир хиллаштириш нуқтаи назаридан ҳам, товар белгиларига оид трансчегаравий низоларда амалдаги қонунчиликни танлашда ҳам қийинчиликларга олиб келади. Бундан ташқари, бундай фарқлар савдо белгиларининг трансчегаравий тижорат муомаласида иштирок этишини сезиларли даражада мураккаблаштиради. Тадқиқотчининг фикрича, бундай салбий оқибатларни халқаро миқёсда олдини олиш мақсадида товар белгисини, у томонидан белгиланган товарларни таснифлаш бўйича ёндошувларни унификациялаш лозим. Шунингдек, диссертант товар белгисининг трансчегаравий ўтказишнинг ҳуқуқий мақомига қуйидагича таъриф беради, яъни *товар белгисига бўлган ҳуқуқни трансчегаравий ўтказиши* – бу товар белгисига нисбатан ҳуқуқнинг пайдо бўлишини ҳосилавий усуллари гуруҳи, яъни *товар белгисининг асл ёки кейинги эгаси бир хил миллий ҳуқуқий тартиб доирасида фаолият юритадиган товар белгисига бўлган ҳуқуқларни товар белгиси тўлиқ ёки қисман бошқа миллий ҳуқуқий тартиб доирасида ўз фаолиятини амалга оширувчи шахслар томонидан ўтказилишининг махсус усулидир*. Муаллифнинг фикрича, товар белгисига бўлган ҳуқуқни трансчегаравий ўтказиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган масала товар*

белгисидан фойдаланилмаганлиги сабабли ҳуқуқий муҳофаза тўхтатилган муддатлар бўйича цедент ва циссионер ўртасидаги ҳуқуқлар тўқнашуви юзага келади. Муаллиф мазкур масалани икки йўл билан ҳал қилишни таклиф қилади, биринчиси янги ҳуқуқ эгаси (цессонер) учун муддат ўтишини олдини олишда ҳуқуқ ўтказилгандан бошлаб ҳисобланиши билан боғлиқ унификация қилинган халқаро шартномаларнинг моддий-ҳуқуқий нормаларини қабул қилиш, ёки товар белгисидан фойдаланмасликнинг ягона олдини олувчи шартларни белгилаш, иккинчиси миллий қонунчиликда ва халқаро шартномаларда муддат ўтганлиги бўйича аниқ вақтни белгилаш учун цессонер мамлакати ҳуқуқини қўллаш бўйича коллизиянинг принциплари белгилаш. Муаллиф товар белгисига бўлган ҳуқуқни трансчегаравий ўтказиш тўғрисидаги шартномани иккига бўлади, яъни товар белгисига бўлган ҳуқуқни трансчегаравий ўтказиш тўғрисидаги шартнома ва иккинчиси товар белгисидан фойдаланишга қаратилган трансчегаравий лицензия шартномаси. Товар белгисига бўлган ҳуқуқни ўтказиш бўйича трансчегаравий шартномаларни тартибга солиш мажбуриятлар тўғрисидаги статут – яъни томонлар танлаган қонунни қўллаш билан асосланади (*lex voluntatis*); ва бундай танлов бўлмаган тақдирда, шартнома мазмунини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони бажариш керак бўлган томон сифатида ҳуқуқ эгаси мамлакати қонуни (*lex venditoris*); ёки бўлмаса юридик шахснинг шахсий қонунига мувофиқ белгиланиши мумкин (*lex societatis*).

Амалдаги қонунчиликка кўра, товар белгиси рўйхатдан ўтказилиш жараёнида фирма номи, домен номи билан ўзаро бир хиллиги ва ўхшашлиги ўрганилмайди. Натижада товар белгисига бир шахс, фирма номига бошқа шахс, домен номига эса умуман бошқа бир шахс эгаллик қилиш ваколати юзага келади. Бу эса мазкур шахсийлаштириш воситалари эгалари ўртасида ҳуқуқлар коллизиясини келтириб чиқаради. Диссертантнинг фикрича, агар товар белгиси, фирма номи, домен номи ўртасидаги коллизия, яъни манфаатлар тўқнашуви юзага келадиган бўлса, устуворлик товар белгисига нисбатан берилиши лозим. Муаллиф ушбу ҳолати бўйича фикрини қуйидагича асослайди, фирма номи, домен номи бир давлат юрисдикциясига тегишли ва у бошқа давлатларда ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди. Товар белгиси айни вақтда икки ва ундан ортиқ давлатларда ҳуқуқий муҳофаза объекти ҳисобланади. Шу билан бирга, товар белгисидан фойдаланиш бўйича лицензия, унга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш трансчегаравий доирада амалга оширилади. Фирма номи, домен номида эса бундай хусусият мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам судлар мазкур тоифадаги ишларни кўришда хорижий инвесторнинг талабига кўра, устуворлик товар белгисига нисбатан берилиши лозим. Гарчи домен номи, фирма номига бўлган ҳуқуқ товар белгисидан олдин вужудга келган бўлса ҳам. Лекин судлар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиши лозимки, агар кейин пайдо бўлган товар белгиси олдинроқ устувор фирма номи ва домен номи фаолият юритаётган соҳада қўлланилса ва уларнинг товар бозори (виртуал савдо)даги обрўсидан фойдаланиб, инсофсиз рақобатни юзага келтирса, ушбу товар белгисига устуворлик бериш рад этилади ва ҳуқуқ эгасининг товар белгисига нисбатан ҳуқуқи фирма номи ва домен номи эгаларининг талаби билан бекор қилинишига олиб келади. Шу билан бирга, гарчи товар белгиси кейин пайдо бўлган бўлса ҳам устувор фирма номи ва домен номини бекор қилишга нисбатан талаби қабул қилинмайди,

қачонки товар белгиси обрўсининг ортиши ушбу фирма номи ва домен номига боғлиқ бўлган ҳолатда юзага келган тақдирда. Диссертантнинг фикрича, учинчи шахсларнинг номоддий ҳуқуқлари билан боғланган товар белгисини тасарруф этиш ҳуқуқ эгасининг мутлақ эмас, балки чекланган ваколатидир. Товар белгисидан ўз ҳуқуқидан фойдаланишга рухсат берган шахс ушбу ҳуқуқ товар белгиси эгаси томонидан кимга тасарруф этаётганлигини билиши лозим. Чунки товар белгисининг янги мулкдори товар белгисидан ўз ҳуқуқидан фойдаланишга рухсат берган шахс учун инсофсиз бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1104-моддаси биринчи қисмига кўра, товар белгисидан уч йил давомида фойдаланмаганлик унга бўлган ҳуқуқни манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилинишига олиб келади. Тадқиқотчи қонунда белгиланган мазкур қонунда шарҳлаган ҳолда, ҳар қандай шахсни товар белгисига нисбатан манфаатдор деб эътироф этмаслик лозимлигини қайд этади. Муаллифнинг фикрича, судлар шахсни товар белгисига нисбатан манфаатдор деб топишда ушбу шахс амалда ундан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконига эга эканлигини исботлаши лозим. Диссертант эътироф этаётган ушбу манфаатдорлик товар белгисини ўз номига рўйхатдан ўтказишни сўраётган талабгорга тегишлидир. Муаллиф илгари сураётган кейинги масала, мутлақ ҳуқуқ эгаси томонидан товар белгисидан фойдаланиш ҳолатини аниқ кўрсатиб беришдан иборат. Амалдаги қонунчиликда мутлақ ҳуқуқ эгаси товар белгисидан товар ишлаб чиқаришда фойдаланмаса ҳам (масалан, товар белгисини шунчаки домен номида рўйхатдан ўтказиб эгалик қилиш) товар белгисидан фойдаланиш деб топилади. АҚШ, Германия қонунчилигида шахс ўз товар белгисидан амалда ишлаб чиқаришда фойдаланмаса унинг ҳуқуқлари манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиниши мумкинлиги белгиланган. Тадқиқотчи ушбу халқаро тажрибани миллий қонунчиликда ҳам акс эттириш лозимлигига урғу бериб, товар белгиси рўйхатдан ўтказилгач, ҳуқуқ эгаси ундан албатта товар ишлаб чиқариш муносабатларида қўллаши лозимлигини қайд этади. Диссертант шунингдек, ҳуқуқ эгасининг банкротлиги билан боғлиқ иш судда кўрилатган вақтда ушбу низо билан параллел равишда товар белгисига бўлган ҳуқуқни манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиш тўғрисидаги иш ҳам кўриб чиқилмаслиги лозимлигини таъкидлайди. Муаллиф ўз фикрини давом эттириб, ҳуқуқ шахси банкротлигида ўз товар белгисидан фойдаланмаслиги даврини товар белгисидан уч йил давомида фойдаланмаслик шартига қўшмаслик лозим. Яъни ушбу ҳолатда товар белгисидан фойдаланмаслик узрли деб топилиши лозим. Муаллиф шунингдек, муайян давлат(лар)да ҳуқуқ эгасининг товарларини сотишга нисбатан қонуний тақиқнинг қўйилганлиги, юридик шахснинг қайта техник жиҳозлаш жараёнидалиги, оммавий эпидемиянинг тарқалиши каби ҳолатларни товар белгисига нисбатан ҳуқуқни манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилишда узрли деб топиши мумкин бўлган ҳолатлар сифатида эътироф этади.

Диссертациянинг «**Товар белгиларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни амалга оширишни такомиллаштириш**» номли учинчи бобида товар белгисидан биргаликда фойдаланишнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари; товар белгисидан лицензия шартномасига кўра фойдаланишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини

такимиллаштириш; товар белгисига нисбатан ҳуқуқни тасарруф этишининг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари; товар белгисига нисбатан ҳуқуқдан гаров воситаси сифатида фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, товар белгисидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим “чекланган ҳосила” мутлақ ҳуқуқдир. Ҳосила ҳуқуқ эса маълум вақт ўтиб бошқа шахс номига пайдо бўлган алоҳида, дастлабки ҳуқуқдан мустақил, лекин айрим фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда унга нисбатан қарамдир. Диссертантнинг эътирофича, амалдаги қонунчиликда учинчи шахсларнинг устувор товар белгисидан фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади. Лекин ушбу қоида товар белгисидан биргаликда фойдаланишнинг ҳуқуқий моҳиятини очиб бермайди. Қолаверса, товар белгисидан биргаликда фойдаланиш борасида устувор ва кейинги товар белгилари ўртасидаги нисбат ҳам амалдаги қонунчиликда кўрсатилмаган. Тадқиқотчи товар белгисидан биргаликда фойдаланиши борасида АҚШ, Европа Иттифоқи, Германия, Буюк Британия, Хитой каби давлатлар қонунчилиги ва суд амалиётини ўрганган ҳолда мазкур турдаги муносабатга фуқаролик-ҳуқуқий конструкциясини ишлаб чиқиб, уни “Товар белгиларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим” (co-ownership) деб атайди ва унга нисбатан “чекланган мутлақ ҳосила ҳуқуқ” сифатидаги таърифини ишлаб чиқади. Муаллиф мазкур ҳуқуқнинг асосий хусусиятини таҳлил қилган ҳолда, ҳосила ҳуқуқ эгаси ўз товар белгисига нисбатан эгалик қилади, ундан фойдаланади, лекин ушбу ҳуқуқни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлмайди, агар дастлабки ҳуқуқ эгасининг ёзма розилиги олинмаган бўлса.

Муаллифнинг фикрича, амалдаги тартибга кўра, товар белгилари ва умуман интеллектуал мулк ҳуқуқларини тижоратлаштиришга оид лицензия шартномаларини тузиш иқтисодий рақамлаштириш даврида ўзининг самарасиз эканлигини кўрсатмоқда. Тадқиқотчи лицензия шартномасини тузиш, унга нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишга нисбатан қарашларни тубдан ислоҳ қилиш кераклигини таъкидлайди ва буни “рақамли инқилоб” деб атайди. Диссертант лицензия шартномаларини тузишга нисбатан “блокчейн” технологияларига асосланган ақлли шартномалардан фойдаланишни таклиф қилади. Блокчейн технологияси орқали лицензия шартномалари марказлаштирилади, уларга нисбатан криптографик ҳимоя чоралари қўлланилади. Товар белгиларини лицензиялашга нисбатан ақлли шартномалар анъанавий шартномалардан фарқ қилади, чунки томонлар улар бўйича ўз мажбуриятларини “автоматик” равишда учинчи шахслар, шу жумладан давлат органларининг таъсирисиз бажарадилар. Лицензия шартномалари белгиланган платформада олдиндан жойлаштирилган шартномани кўриб чиқиш ва тегишли тугмани босиш йўли билан тузилади. Лицензия шартномаси криптографик усулда токенлар ёрдамида ҳимоя қилинади, учинчи шахслар ушбу ҳуқуқдан ҳуқуқ эгасининг махсус виртуал руҳсатисиз фойдаланиш имконига эга бўлмайди. Блокчейн ёрдамида тузилган лицензия шартномаси бўйича ишлаб чиқарилган товарнинг сифати лицензиар товарининг сифатидан паст бўлса, лицензиар виртуал шартномани масофавий блоклайди. Бу дегани, лицензиат ортиқ лицензия шартномасидан фойдалана олмайди ва унинг лицензиарга нисбатан етказилган зарар учун моддий жавобгарлиги юзага келади. Ўз

навбатида, истеъмолчи махсус тизим орқали (смс хабар олиш асосида) лицензиатнинг ортиқ лицензиар билан алоқаси йўқлигидан хабардор қилинади. Ушбу шартнома 1966 йилдаги электрон тижорат тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонуний электрон шартномалар ва уларни тузиш тартибини юридик кучга кўра ёзма шартномаларга тенглаштиради. Муаллифнинг фикрича, товар белгилари соҳасида блокчейн ва ақлли шартномалардан фойдаланиш нафақат субъектив “инсон” омилини, балки шахсий муносабатларни ҳам истисно қилади.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсга тақдим этиш борасида муаллиф “*мажбурий лицензиялаш*” доктринасини фуқаролик қонунчилигида белгилашни таклиф қилинади. Ушбу доктрина Фуқаролик кодексининг 1104-моддаси биринчи қисмида белгиланган қоидага муқобил ҳуқуқ сифатида амал қилиши мумкинлиги, лекин мазкур муқобил ҳуқуқдан фойдаланиш ушбу модда қоидасини қўллашни ҳам истисно этмайди. Мажбурий лицензия шартномаси лицензия шартномаси мақомига эга ва унга тегишли қоидалар асосида тартибга солинади. Мажбурий лицензиялаш тўғрисидаги қоидалар АҚШ, Россия, Бразилия, Германия, Ҳиндистон қонунчилигида, Интеллектуал мулкнинг савдо жиҳатлари тўғрисидаги Келишуви (ТРИПС)да ҳам белгиланган.

Муаллифнинг фикрича, банкротлик ҳолатида ҳуқуқ эгасининг лицензия бериш ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилмаслиги лозим. Банкротлик шахснинг тўловга қобилиятсизлигидир, лекин товар белгисига нисбатан ҳуқуқ учинчи шахсларга фойдаланиш учун тақдим этиш ушбу қобилиятсизликни тиклашга қаратилган чорадир.

Товар белгиларига нисбатан ҳуқуқларни тасарруф этишда тадқиқотчининг фикрича, қуйидаги масалалар ҳал этилиши лозим: биринчидан, товар белгиси учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлиб, ҳаттоки товар белгиси бошқа шахсларга тасарруф этилганда ҳам ушбу ҳуқуқ рухсат берган шахслар учун сақланиб қолади; иккинчидан, товар белгиси тижорат сирини билан ўзаро боғлиқ иқтисодий қиймат касб этганлиги сабабли уни тасарруф этган шахс мутлақ ҳуқуқни қўлга киритган янги мулкдор олдида тижорат сирини сақлаш мажбурияти юзасидан жавобгар бўлади; учинчидан, товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар бутунлай ёки қисман тасарруф этилиши мумкин. Ҳуқуқни бутунлай тасарруф этиш масаласи ортиқча изоҳни талаб қилмайди. Лекин қисман тасарруф этиш дастлабки ва кейинги мулкдорлар ўртасида манфаатлар зиддиятини пайдо қилади. Бундай зиддият товар бозорида янги ва эски мулкдорлар ўртасида бир товар белгиси остида турли маҳсулотларнинг олди-сотдиси жараёнида юзага келади. Тўртинчидан товар белгиси учинчи шахсларга тегишли фирма номи, домен номи ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан бир хил ёки ўхшаш бўлиши мумкин. Янги мулкдор эса бундан беҳабарлиги сабаб устувор фирма номи, домен номи эгаларининг эътирозига сабаб бўлиб, товар белгисининг янги эгаси учун ортиқча ноқулайликларни келтириб чиқаради. Диссертантнинг фикрича, биринчи ҳолат бўйича товар белгиси ҳосила ҳуқуқни олган ҳолатида ҳам товар белгисидан фойдаланишга рухсат берган муаллифдан ёки унинг ворисларидан қайтадан рухсат олиши лозим. Иккинчи ҳолат бўйича товар белгисига ёндош бўлган тижорат сирини ошкор қилмаслик мажбурияти дастлабки ҳуқуқ эгасининг мажбурияти бўлиб, уни ошкор қилиш ушбу шахснинг ҳосила ҳуқуқ

эгаси олдида мулкий жавобгарлигини келтириб чиқаради. Тадқиқотчининг фикрича, ҳосила ҳуқуқ эгаси олдида дастлабки ҳуқуқ эгасининг жавобгарлиги ҳар қандай ҳолатда ҳам тижорат сири қиймати доирасида белгиланиши лозим. Муаллиф учинчи ҳолат бўйича изох берар экан, дастлабки ва ҳосила ҳуқуқ эгалари томонидан бир товар бозорида айна бир товар белгиси остида турли товарларни сотувга таклиф қилишнинг олдини олиш мақсадида, дастлабки ҳуқуқ эгаси бўлажак ҳосила ҳуқуқ эгасига товар белгисидан вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиши лозим (синов даври). Товар белгисидан вақтинчалик фойдаланиш чораси истемолчини бир-биридан ҳоли икки шахс томонидан таклиф этилаётган товарни адаштириш ҳолати мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Агар шундай адаштириш ҳолати бўлмаса, ҳуқуқ эгаси товар белгисини ҳосила ҳуқуқ эгасига ўтказишига йўл қўйилади. Диссертант навбатдаги тўртинча ҳолат бўйича сўз юритган ҳолда, дастлабки ҳуқуқ эгаси ҳосила ҳуқуқ эгасига ўтказган товар белгиси олдинроқ бошқа шахсларга фирма номи ёки домен номи сифатида тегишли эканлигини билган, шундай бўлса ҳам ушбу ҳуқуқни ўтказган бўлса, дастлабки ҳуқуқ эгаси ҳосила ҳуқуқ эгаси олдида мулкий жавобгар бўлишини таъкидлайди. Дастлабки ҳуқуқ эгасининг жавобгарлиги ҳосила ҳуқуқ эгасига тасарруф этилган товар белгиси қийматидан ортик бўлиши мумкин эмас.

Товар белгисига нисбатан ҳуқуққа эгалик қилиш аниқ муддатга кўра чегараланиб, унга бўлган ҳуқуқни навбатдаги муддатга узайтиришга фақат мутлақ ҳуқуқ эгасигина ҳақли. Фуқаролик кодексининг 283-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, агар қарздор товар белгисига бўлган ҳуқуқни кейинги муддатга узайтирмаса, гаров ҳуқуқи бекор бўлади. Оқибатда қарздорнинг олган мажбурияти кредитор олдида бажарилмасдан қолади. Муаллиф мазкур ҳолатни ҳар томонлама таҳлил қилиб, унинг ечимини: биринчидан, гаровга олувчи ваколатли органдан гаров муносабатларида товар белгисига бўлган ҳуқуқи токи гаровга қўювчи гаровга олувчи олдидаги мажбуриятини бажармагунга қадар бекор қилинмаслик талаби билан чиқиши; иккинчидан, кредитор товар белгисини навбатдаги муддатга ўз номига расмийлаштиришни талаб қилиши; учинчидан эса усули эса товар белгисига бўлган ҳуқуқ гаров шартномасига мувофиқ, токи гаровга қўювчи мажбуриятни бажармагунга қадар гаровга олувчи номига ўтказиб турилади. Шундай қилиб, муаллиф товар белгилари гарови муносабатларидан келиб чиққан ҳолда мутлақ ҳуқуқлар гарови шартномасига куйидагича таъриф беради: *“Мутлақ ҳуқуқлар гарови тегишли тартибда муҳофазаланган интеллектуал фаолият натижаси ёки унга тенглаштирилган шахсийлаштириш воситаси эгасининг ушбу объектларга бўлган ўз ҳуқуқларини гаров предмети сифатида тўлиқ ёки қисман тақдим этиши мажбуриятини белгилайдиган, тегишли тартибда баҳоланган, мажбурият ҳажми ва муддати гаров билан таъминланган, ҳақ бараварига ва ёзма шаклда тузиладиган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатга олинган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат”* дир. Тадқиқотчининг фикрича, гаров предмети нафақат товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ, балки мутлақ ҳуқуқнинг бир қисми бўлган ҳуқуқ эгасининг алоҳида ваколатидан ҳам фойдаланиш мумкинлигини назарда тутувчи қоидалар ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, товар белгисидан маълум чегараларда (яъни, маълум усулларда, чекланган ҳудудда, чекланган муддатда ва ҳ.к.) фойдаланиш ҳуқуқи гаров юқининг

предмети ҳисобланади. Шу ўринда савол туғилади: товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини олган лицензиат ҳам мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқини гаровга қўйиши мумкинми? мазкур ҳолатни тартибга солувчи аниқ мазмундаги қоида мавжуд эмаслиги сабаб фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидаларидан келиб чиқиб, ҳеч бир тақиб йўқлигини таъкидлайди. Диссертантнинг фикрича, лицензиатнинг товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини гаровга қўйиши фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан амалга оширилиши лозим. Лекин мазкур хусусиятдаги гаровга лицензия шартномасида лицензиарнинг розилиги тўғрисидаги қоида белгиланган бўлиши лозим.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Товар белгисини муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**»га бағишланган. ушбу бобда товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари; товар белгисини инсофсиз рақобатдан муҳофаза қилишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, товар белгисини киберқароқчиликдан муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш, рақамлаштириш даврида товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни муҳофаза қилиш (маркетплейс мисолида)каби масалалар таҳлил этилган.

Инсофсиз рақобатни чеклаш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро шартномалар қоидалари таҳлил этиш уни мазкур ҳолатни ҳуқуқий баҳоланиши керак бўлган мустақил юридик ҳодиса сифатида аниқлашга имкон беради. Бундай белгилар қаторига субъектлар таркиби хусусиятига кўра – хўжалик юритувчи субъектлар; рақобатчиларнинг инсофсиз ҳаракатларининг мақсадига кўра – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ асоссиз имтиёзларга эга бўлиш; инсофсиз рақобат хатти-ҳаракатларининг алоҳида соҳаси бўйича – иқтисодий фаолият; тадбиркорлик ва рақобат муҳитида, зарарнинг миқдори ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларга зарар етказиш мумкинлиги бўйича – рақобатчиларнинг ишчанлик обрўсига путур етказишнинг эҳтимоллий мавжудлиги кабилар киради. Тадқиқотчи Ўзбекистонда контрафакт маҳсулотлар савдоси бўйича ижтимоий сўров ўтказиб, унинг натижасига кўра контрафакт маҳсулотлар савдосининг ортиб боришига икки омил сабаб эканини аниқлади: биринчиси, истеъмолчи товарнинг контрафакт эканлигини билади ва уни онгли равишда сотиб олади (сўровда қатнашганларнинг 29 фоизи); иккинчиси истеъмолчи товар белгисини ҳақиқий ёки ва унинг сохтасидан ажратиш олиш бўйича маълум тажриба, билимга эга эмаслиги (сўровда қатнашганларнинг 58 фоизи). Контрафакт маҳсулотлари савдоси айниқса, Тошкент шаҳрини нисбатан истисно этганда, вилоятлар туманларида одатдаги савдо муомаласи сифатида қаралади ва истеъмолчи томонидан ушбу контрафакт маҳсулотни сотаётган шахсга нисбатан деярли эътирозлар бўлмайди. Диссертантнинг фикрича, товар бозорида контрафакт маҳсулотларнинг оммалашиб боришига: биринчидан, сотиб олувчининг контрафакт маҳсулотлар сотувчисига нисбатан бирон-бир эътироз ёки тегишли органга шикоят қилишдан манфаатдор эмаслиги (унинг фикрича, шикоят қилишдан ҳеч бир фойда йўқ), иккинчидан, ваколатли органнинг контрафакт маҳсулотлар савдосига чек қўйиш бўйича амалий ҳаракатларининг деярли нолга тенг эканлиги сабаб бўлади. Чунки (тадқиқотчининг ўрганишича Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё

вилоятларида) контрафакт маҳсулотлари савдоси одатдаги “сифатли товар”лар савдоси каби йўлга қўйилган ва ушбу товарларни сотишга нисбатан бирон-бир маъмурий чекловлар деярли кўзга ташланмайди.

Тадқиқотчи контрафакт маҳсулотлар савдосининг ортиб бориш манбааларини ички ва ташқига бўлади. Ички омил – контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш Ўзбекистон худудида яширин равишда амалга оширилади; ташқи омилга кўра улар Ўзбекистондан ташқарида ишлаб чиқарилиб, яширин йўллар билан ёки божхона орқали кириб келади. Сир эмаски, контрафакт маҳсулотларнинг аксарияти Хитойдан кириб келади. Ушбу факт ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатдир. Лекин нега миллий бозор ушбу товарларни контрафакт эканлигини билади ва сотиб олади? Тадқиқотчининг фикрича, контрафакт товарлар қурбони ҳаммага маълум товар белгиларидир. Истеъмолчиларнинг аксарияти бренд товарларни сотиб олишга ҳаракат қилади, лекин унинг баҳоси оддий товар белгисига нисбатан қимматлиги боис оддий аҳолининг уни сотиб олишга имкони йўқ. Шу сабабли улар бренд товар белгисининг контрафактини сотиб олишади (худдики сотиб олган товарини “оригинал” бренд килиб кўрсатиш учун). Диссертант мазкур ҳолатнинг олдини олишда, биринчи навбатда, миллий бренд товарларнинг мақомини ошириш, ушбу товарларнинг сифатини халқаро доирадаги брендларга тенглаштириш лозимлигини қайд этади. Диссертант бу борада Ҳиндистон тажрибасини қўллашни таклиф қилади. Ҳиндистон компаниялари жаҳон брендлари учун турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва етказиб беради. Айни вақтда, Ҳиндистон ўз аҳолиси учун ушбу бренд товарларни 30-50 фоизгача арзон нархда сотади¹⁰. Яъни, давлат бренд товарларни арзон нархда сотиб олади, бошқа паст сифатдаги брендлар эса ўз маҳсулотини ушбу юқори брендларга тенглаштиришга ҳаракат қилади. Шунингдек, диссертант контрафакт маҳсулотларга қарши курашиш борасида Дубай тажрибасидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Ушбу тажрибага кўра, сотиб олувчи Интернетдан дўконнинг махсус “*self buy*” (*сотувчисиз товарни харид қилиш*) тизимини юклаб олади ва сотиб олмоқчи бўлган товарини сканер қилади, танланган товар эса ушбу дўконнинг саватчасига юкланади. Саватчага юкланган товарнинг ҳаққи сотувчисиз дўконнинг мобиль иловаси орқали ҳисоб-китоб қилинади. Мазкур тизимнинг контрафакт маҳсулотлар савдосига қарши курашишдаги аҳамияти шундаки, тизим сотувчини дўконга фақат асл товарларни жойлаштиришга мажбур қилади. Сотиб олувчи товарни сканер қилиш орқали товарнинг контрафакт ёки контрафакт эмаслигини штрих код ёрдамида аниқлайди. Агар маҳсулот контрафакт бўлиб чиқса, илова маҳсулотни идентификациядан ўтказмайди. Бу эса дўконда контрафакт маҳсулот борлигини кўрсатади ва сотувчининг жавобгарлигини белгилайди ҳамда махсус тизим бу ҳақдаги маълумотни тегишли органга маълумот учун юборади.

Муаллиф товар белгисини киберқароқчилик йўли билан эгаллаб олишни домен номи билан боғлиқ инсофсиз ҳолат сифатида баҳолайди. Киберқароқчининг ҳаракатларига инсофсиз рақобат деб баҳо беришда икки хил мазмунга таянади: биринчидан, инсофсиз шахс учинчи шахсларга тегишли товар белгиларини домен

¹⁰ https://aif.ru/money/economy/deli_nadvoe_pochemu_ne_nado_pereocenivat_ekonomicheskie_kontakty_s_indiey

номида ўзлаштириб олади ва уни товар белгиси эгасига ёки унинг рақобатчисига маълум қиймат эвазига сотади; иккинчидан, инсофсиз рақобатнинг аниқ мазмунини ўзида акс эттириб, товар олди-сотди муносабатларида намоён бўлади. Ушбу ҳолатда киберқароқчи домен номида ўзи ёки у ваколат берган шахс томонидан ҳуқуқ эгасига тегишли товар белгиси остидаги маҳсулотни обрўсизлантиради. АҚШ давлатида киберқароқчиликка истеъмолчи манфаатларига дахл қилувчи ҳолат сифатида баҳо берилиб, ҳолат “Истеъмолчиларни киберсквоттингдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (Anticybersquatting Consumer Protection Act) билан тартибга солинади. Шундай қилиб, товар белгисини домен номида киберқароқчилик йўли билан эгалланган деб ҳисоблаш учун домен номи товар белгиси билан бир хил ёки ўхшашлиги сабаб истеъмолчинини унинг асл эгасини танлаб олишда чалкашликларга олиб келиши; домен номи ҳар қандай товарлар учун ҳуқуқий муҳофаза қилинган ҳаммага маълум товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш бўлиши; товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш домен номи очиқ-ойдин сотишга таклиф қилинган бўлиши; бир шахснинг бир хил товар белгиси ва домен номининг обрўсидан фойдаланиш мақсадида худди шу товар белгиси ва домен номи билан бир хил ёки ўхшаш домен номини рўйхатдан ўтказиш асосида устувор ҳуқуқ эгасининг истеъмолчиларини ўзига жалб қилиши ва унинг товарлари ва хизматлари ҳақида ёлғон ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиши; товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш домен номининг рўйхатдан ўтказилганлиги оқибатида товар белгиси эгасига ушбу белгини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказишга тўсқинлик қилиши каби ҳолатлар кузатилиши лозим. Киберқароқчининг ушбу ҳаракати рухсатсиз эгалланган домен номига нисбатан қонуний манфаатларининг йўқлиги билан белгиланади. Тадқиқотчи товар белгисининг домен номи ўзлаштирилиш ҳолатига нисбатан муаллифлик таърифини ишлаб чиқиб, уни шундай таърифлаб, *“Киберқароқчилик – Интернет тармоғида шахсийлаштириши воситаларини домен номида рухсатсиз рўйхатдан ўтказиши ва унинг эгасига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларда фойдаланиши ёки шундай фойдаланиши ҳуқуқини учинчи шахсларга тақдим этиши ёхуд ушбу доменни мутлақ ҳуқуқ эгасига ёки бошқа шахсларга сотишдан иборат бўлган инсофсиз ҳаракатдир”*.

Диссертант виртуал савдо муносабатларининг шакли сифатида маркетплейсда товар белгилари остида савдо муносабатларини амалга оширишининг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этади. Муаллифнинг фикрича, бугунги кунда маркетплейслар фаолияти билан боғлиқ юзага келаётган асосий масалалардан бири – бу контрафакт товар маҳсулотлари сотилганлик ҳолатида мутлақ ҳуқуқларни бузганлик учун маркетплейсларнинг жавобгарлигидир. Тадқиқотчининг фикрича, маркетплейсда ретейлдернинг сотувчининг сотган товари контрафактлигини билмаслиги унга нисбатан тегишли фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини келтириб чиқармайди. Лекин шундай товарнинг контрафакт эканлигини билган ёки билиши лозим бўлган ҳолда сотувчига уни эркин сотишга имкон берганлиги ретейлерга нисбатан тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради. Мазкур муносабат юридик мазмунга эга бўлсада, уни тартибга солишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилмаган. Виртуал савдо майдони бўлган маркетплейслар трансчегаравий хусусиятга ҳам эга (масалан, Alibaba, Wildberries, Ozon, Aliexpress, Ebay, Lamoda). Бу

эса товар белгиларини трансчегаравий муҳофаза қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Бугунги кунда халқаро қоидаларда айнан маркетплейсларда товар белгиларини муҳофаза қилиш бўйича ягона механизмнинг мавжуд эмаслиги уларда контрафакт товар белгилари билан боғлиқ савдоларнинг амалга оширилишига замин яратади. Муаллиф ушбу ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистоннинг ТРИПС келишувига қўшилиши лозимлигини долзарбдир деб ҳисоблайди.

ХУЛОСА

Товар белгиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш истиқболлари масалаларини таҳлил этиш ва уларнинг ечимларини тадқиқ этган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий назарий хулосалар:

1.1. Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчиликни тизимлаштириш ва унификация қилиш жараёнлари давом этиши лозим. Хусусан, Интеллектуал мулк кодексининг қабул қилиниши ва ушбу кодекс билан Фуқаролик кодекси ўртасида оқилона нисбат белгиланиши лозим. Интеллектуал мулк кодексида, хусусан шахсийлаштириш воситалари тўғрисидаги махсус ва умумий қоидалар, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси), фирма номи, домен номи, тижорат сири, товар келиб чиққан жой номи, географик кўрсаткичларга бағишланган боблар бўлиши лозим.

1.2. Миллий брендлар мақомини ошириш ва уларнинг сифатини халқаро даражадаги брендларга олиб чиқиш ҳамда бу орқали мамлакатда контрафакт маҳсулотлар савдосига чек қўйиш. Бу борада Ҳиндистон ва Вьетнам тажрибасидан унумли фойдаланиш лозим. Шунингдек, контрафакт маҳсулотлар савдосига қарши курашишда Дубай тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Қайд этилган халқаро тажрибаларни қўллаш ребрендинг хавфини камайтиради.

1.3. Товар белгиларини рўйхатдан ўтказишда АҚШ тажрибасидан фойдаланиш таклиф қилинади. Мазкур тизимга мувофиқ, товар белгиси асосий ва қўшимча реестрдан ўтказилади. Товар белгисини “қўшимча” реестрдан рўйхатдан ўтказиш унга нисбатан ҳуқуқ рўйхатдан ўтказилганлигини, лекин ҳуқуқий муҳофаза қилинмаслигини, “асосий” реестрдан ўтказиш эса шахснинг товар белгисига нисбатан ҳуқуқлари пайдо бўлганлигини ва унинг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини аниқлатади.

1.4. Шахсийлаштириш воситалари (товар белгиси, домен номи, фирма номи, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номи, тижорат сири) билан боғлиқ суд амалиётидаги низоли масалалар ўрганилди ва таҳлил натижаларга кўра “Тижорат сири, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси), фирма номи ва товар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуққа доир қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида” деб номланган суд Пленуми қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

1.5. Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг трансчегаравий ўтказилиши – бу товар белгисига нисбатан ҳуқуқнинг пайдо бўлишини ҳосилавий усуллари гуруҳи, яъни товар белгисининг асл ёки кейинги эгаси бир хил миллий ҳуқуқий тартиб доирасида

фаолият юритадиган товар белгисига бўлган ҳуқуқларини тўлиқ ёки қисман бошқа миллий ҳуқуқий тартиб доирасида ўз фаолиятини амалга оширувчи шахсларга ўтказишнинг махсус усулидир.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид ТАКЛИФЛАР:

2.1. Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунига 10¹-модда “Товар белгиларини рўйхатдан ўтказишни мутлақ асосда рад этиш” деб номланган модда киритиш ва унда қуйидаги қондани белгилаш таклиф қилинади:

Фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган ёки фақат белгилардан ташкил топган белгиларни товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

муайян турдаги товарларни белгилаш учун умум фойдаланишга киритилган белгилар;

умум қабул қилинган белгилар ва атамалар;

товарларни таснифлаш, шу жумладан, уларнинг тури, сифати, миқдори, таркиби, фойдаланиш мақсади, қиймати, шунингдек ишлаб чиқариш ёки сотиш вақти, жойи, усули;

товарнинг таркиби ёки мақсадини аниқлаш учун кўрсатилган товарнинг шакли ифодаланганлиги. Ушбу қондалар улардан фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга белгиларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, фақат давлат герб, байроғ ва бошқа давлат белгилари, халқаро ҳуқуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари, уларнинг герб, байроғ ва бошқа белгилари, расмий назорат, кафолат ва синов штамплари, муҳрлар, мукофотлар ва бошқа белгилардан ташкил топган белгиларни товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилишига йўл қўйилмайди. Агар тегишли ваколатли органнинг розилиги бўлса, бундай белгилар товар белгисига ҳимояланмаган белги сифатида киритилиши мумкин.

Белгини ифодаловчи ёки ўз ичига олган шундай белгиларни товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

сохта ёки истеъмолчини маҳсулот, ёки унинг ишлаб чиқарувчиси ҳақида чалғитиши мумкин бўлган;

жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларига зид бўлган.

Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий мерос объектлари ёки жаҳон маданий, ёки табиий мерос объектларининг расмий номлари ва тасвирлари, шунингдек коллекция ва фондларда сақланаётган маданий бойликлар тасвирлари билан бир хил, ёки ўхшаш белгиларни товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилишига, агар шундай рўйхатдан ўтказиш уларнинг эгалари бўлмаган шахслар томонидан ва эгалари ёки улар ваколат берган шахсларнинг розилиги бўлмаса, йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказишга, агар улар

кўрсатилган халқаро шартномага аъзо давлатлардан бирида муҳофаза қилинган ёки уларни ўз ичига олган вино ёки спиртли ичимликларни шахсийлаштирувчи белгилар сифатида, унинг ҳудудидан келиб чиққан ҳолда (ушбу давлатнинг географик объекти чегараларида ишлаб чиқарилган) ва ўзига хос сифатга, обрўга ёки асосан келиб чиқиши билан белгиланадиган бошқа хусусиятларга эга бўлса, йўл қўйилмайди.

2.2. Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунига 20¹-модда “Ҳуқуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланганлиги юзасидан ҳисобдорлиги” деб номланган моддани киритиш ва унда қуйидаги қондани белгилаш таклиф қилинади:

Товар белгиси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб дастлабки икки йилу саккиз ой ўтгач Агентликка унга тегишли товарлар учун фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши лозим. Навбатдаги ҳисоботлар товар белгиси рўйхатдан ўтказилгандан йилдан сўнг бешинчи ва саккизинчи йилларда тақдим этилади.

Товар белгисидан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботда товар белгиси остидаги маҳсулотдан намуна, ундан қайси ҳудудларда фойдаланганлиги, кимларга нисбатан товар белгисидан фойдаланиш тўғрисида лицензия берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ҳисобот тақдим этилмаганда Агентлик ҳуқуқ эгасига огоҳлантириш хатини товар белгисини рўйхатдан ўтказиш талабномасида кўрсатилган манзилга юборади. Хабарномани олган ҳуқуқ эгаси бир ойлик муддат ичида ҳисоботни тақдим этиши лозим. Ҳуқуқ эгасининг ушбу муддатда ҳисобот тақдим этмаганлиги товар белгисини эгасиз деб топишга асос бўлади. Агентлик мазкур маълумотни тегишли расмий манбааларда огоҳлантириш кунидан икки ой ўтиб эълон қилади.

Ҳуқуқ эгаси камчилиги бор бўлган ҳисобот тақдим этган тақдирда уларни бартараф этиш учун бир ойлик муддат белгиланади.

Товар белгиси эгаси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатда тақдим этган ҳисоботида товар белгисидан фойдаланмагалигини кўрсатган бўлса, ушбу ҳолатда маҳсулотдан фойдаланмаслик сабаби кўрсатилиши ва изоҳланиши лозим.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган асос бўйича манфаатдор шахс судга ҳуқуқ эгасининг товар белгисига нисбатан ҳуқуқини бекор қилишни сўраб мурожаат қилиши мумкин. Суд Агентлик томонидан тақдим этилган маълумот асосида ҳуқуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланмаслик ҳолатини аниқлаштиради.

Агентлик ҳам судга манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаб товар белгисига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш бўйича даъво киритиши мумкин.

Ҳуқуқ эгаси судда товар белгисидан фойдаланмаслик сабабини исботлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинмайди.

2.3. Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги қоида билан тўлдириш таклиф қилинади:

Ҳуқуқ эгаси ўз хоҳишига кўра, ҳуқуқбузардан зарарни қоплаш ўрнига,

қуйидагича товон тўлашни талаб қилишга ҳақли:

ҳуқуқбузарлик хусусиятидан келиб чиқиб, суднинг аниқлашига кўра базавий ҳисоблашнинг беш баробаридан икки минг олти юз йигирма уч баробаригача бўлган миқдорда;

товар белгиси ноқонуний фойдаланилган товарлар қийматининг икки баробари миқдоридан ёки товар белгисидан қонуний фойдаланишда, одатда таққосланадиган шароитларда ундириладиган қийматдан келиб чиққан ҳолда товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи қийматининг икки баравари миқдоридан.

2.4. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги қонунга 13¹-модда “Товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш соҳасида инсофсиз рақобат” деб номланган моддани киритиш ва унда қуйидаги қондани белгилаш таклиф қилинади:

Товар белгисидан фирма номи, домен номида фойдаланиш қуйидаги ҳолларда инсофсиз рақобат деб топилмайди:

домен номи ва фирма номи остида товар ва хизматлар инсофли таклиф қилинса, яъни унинг ҳақиқий ишлаб чиқарувчиси тўғрисидаги маълумотларни очиқ кўрсатиш, товар ва хизматлар хусусиятини қандай бўлса шундай очиқ бериш, учинчи шахсларнинг бир хил товар ва хизматлари билан ўзаро тенг ҳолда солиштирмаслик, унинг сифатини бузиб кўрсатмаслик;

домен номи ва фирма номининг товар белгисига боғлиқ бўлмаса ҳам маълум ва машҳурлиги;

шахс домен номи ва фирма номидан даромад олиш ниятида ҳаракат қилиши, шундай ҳаракат бевосита товар белгиси обрўсини туширишга қаратилмаган бўлиши;

домен номи ва фирма номини рўйхатдан ўтказишда ва фойдаланишда сарф этилган ҳақиқий харажатлардан анча юқори нархда потенциал манфаатдор шахсларга уларни қайта сотиш ёки потенциал рақобатчилар олдида устуворликка эга бўлиш, ёхуд потенциал рақобатчиларнинг товарлар ва хизматлар бозоридан фойдаланишини чеклаш, рақобатчи хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадларида олдиндан рўйхатга олиниши;

фақат маълум учинчи шахсга бериш учун, агар ушбу хатти-ҳаракат фойда олишга қаратилган, учинчи шахснинг потенциал манфаатлари ёки бошқа потенциал манфаатдор шахсни ҳисобга олган ариза берувчининг ғаразли мақсадини амалга ошириш назарда тутилганда. Ушбу ҳолатлардан бири аниқланмаган бўлса, шахснинг ҳаракатлари инсофсиз рақобат деб топилмайди.

Шахснинг фаолиятини инсофсиз рақобат деб топишга фақат суд тартибида йўл қўйилади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасини қуйидаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади:

Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) ва домен номига бўлган ҳуқуқ фирма номига бўлган ҳуқуқдан илгари олинган ҳолда фойдаланиш қуйидаги ҳолатларда ҳуқуқ бузилиши деб топилади ва фирма номига нисбатан ҳуқуқ бекор қилинади:

бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтириш ёки унинг ишчанлик

обрўсига путур етказиши мумкин бўлган ҳолда нотўғри таққосланса;

тегишли товарнинг хусусияти, ишлаб чиқарилиш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни чалғитса;

фан-техникага, ишлаб чиқаришга ёки савдога оид ахборотни, шу жумладан тижорат сирини эгасининг розилигисиз олса, ундан фойдаланса, уни ошкор этса;

хаммага маълум товар белгилари фирма номида рухсатсиз рўйхатга олинган бўлса. Ушбу ҳолатлар аниқланганда суд шахснинг фирма номига нисбатан ҳуқуқларини бекор қилиши мумкин.

2.6. Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасини бешинчи қисм билан тўлдириш ва унда қуйидаги қондани белгилаш таклиф қилинади:

Манфаатдор шахс товар белгиси рўйхатга олинган товарларнинг бир қисми ёки барчаси учун ҳуқуқ эгасининг товар белгисидан фойдаланмаётганлигини тахмин қилган ҳолда ундан воз кечиш тўғрисида ариза билан Агентликка мурожаат қилиши ёки товар белгиси рўйхатга олинган товарларнинг бир қисми, ёки барчасига нисбатан товар белгисига бўлган ҳуқуқларни манфаатдор шахсга тасарруф этиш тўғрисида шартнома тузиш бўйича таклиф юбориши лозим. Таклиф манфаатдор шахс томонидан ҳуқуқ эгасига ва товар белгиси рўйхатдан ўтказилган Агентликнинг юридик манзилига юборилади. Агентлик ушбу таклифни ҳуқуқ эгасига бир кунлик муддатда юбориши лозим.

Манфаатдор шахс томонидан ҳуқуқ эгасига юбориладиган таклиф товар белгиси давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, уч йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Манфаатдор шахс томонидан таклиф юборилган кундан бошлаб икки ой ичида ҳуқуқ эгаси товар белгисига нисбатан ҳуқуқдан воз кечиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, манфаатдор шахсга товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни ўтказиш тўғрисида шартнома тузмаса, манфаатдор шахс икки ойлик муддат тугагандан сўнг бир ойлик муддатда судга товар белгисидан фойдаланилмаганлиги натижасида ҳуқуқий муҳофаза қилишни муддатида олдин бекор қилишни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига 1106¹-модда “Товар белгисидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим” деб номланган моддани киритиш ва унда қуйидаги қондани белгилаш таклиф қилинади:

Товар белгисидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим – бу товар белгиси эгасининг розилиги билан учинчи шахс(лар)га устувор товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш ва асосий товар белгиси рўйхатга олинган товарларга нисбатан фойдаланиш, шунингдек асосий ҳуқуқ эгасининг розилигисиз мутлақ ҳосила ҳуқуқни бошқаларга ҳар қандай шаклда фойдаланишга бериш, тасарруф этишга нисбатан чекланган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат.

Товар белгисидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим устувор товар белгиси эгасининг тижорат соҳасидаги обрўси ва тажрибасидан бошқа шахслар

томонидан устувор товар белгиси билан бир хил ёки ўхшаш белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказган ҳолда муайян фаолият соҳасига қўллаб, устувор товар белгиси эгаси томонидан фойдаланиш ҳудудини кўрсатиб ёки кўрсатмасдан фойдаланишни назарда тутади.

Товар белгисидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим тарафлари фақат тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик фаолият субъекти бўлиши мумкин.

Товар белгисидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим мустақил, устувор товар белгиси эгасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳосила ҳуқуққа эгалик қилувчининг мутлақ устувор ҳуқуқи ҳисобланади. Битимнинг амал қилиши товар белгиси рўйхатга олинган муддатга қадар амал қилади.

Товар белгисини навбатдаги муддатга узайтириш фақат асосий ҳуқуқ эгаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Агар асосий ҳуқуқ эгаси мазкур муддатни узайтиришга рози бўлмаса, юзага келган масала ҳосила ҳуқуқ эгаларининг талабига кўра суд тартибида кўриб чиқилади. Суд ҳосила ҳуқуқ эгаларининг келтирган асосларига мувофиқ товар белгисига нисбатан ҳуқуқни навбатдаги муддатга узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Навбатдаги муддатга узайтирилган товар белгисига нисбатан ҳуқуқ асосий товар белгиси эгаси учун тугатилади ва ушбу ҳуқуқ ҳосила ҳуқуқ эгаларига нисбатан пайдо бўлади.

Ушбу модданинг еттинчи қисмига кўра, ҳосила ҳуқуқ эгалари товар белгисига нисбатан жамоавий эгалик қилади. Жамоавий белгини тартибга солиш ушбу қонун қоидаларига кўра амалга оширилади.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига 1036¹-модда “Мажбурий лицензия” деб номланган моддани киритиш ва унда қуйидаги қондани белгилаш таклиф қилинади:

Қонунда назарда тутилган ҳолатларда, суд манфаатдор шахснинг талаби билан, мутлақ ҳуқуқ эгасига тегишли интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситаларидан охириг икки йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узрли сабабсиз узлуксиз фойдаланилмаган тақдирда суд ҳал қилув қарорида белгиланган шартларда фойдаланиш ҳуқуқини уларга тақдим қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин (мажбурий лицензия).

Лицензиат мажбурий лицензиядан фойдаланганлик учун лицензиарга белгиланган ҳақни тўлаб боради.

Мажбурий лицензия ҳуқуқ эгасига бошқа шахсларга нисбатан ушбу кодексининг учинчи қисми биринчи ва иккинчи бандларида назарда тутилган лицензия бериш ҳуқуқини чекламайди.

Мажбурий лицензия асосида мутлақ ҳуқуқдан фойдаланаётган шахс учинчи шахсларга худди шу ҳуқуқдан фойдаланишга руҳсат беришига йўл қўйилмайди.

Мажбурий лицензиядан фойдаланиш ҳуқуқининг манфаатдор шахсга тақдим этилиши у билан боғлиқ тижорат сирининг ҳам ҳуқуқ эгасининг розилигисиз тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига 1036-модда “Лицензия шартномасининг мазмуни ва амал қилиш муддати” деб қайта номланган ҳолда унда қуйидаги қондани белгилаш таклиф қилинади:

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки шахсийлаштириш воситасига нисбатан мустасно ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) бундай натижа ёки воситадан шартномада белгиланган доирада фойдаланишга рухсат беради ёки рухсат бериш мажбуриятини олади.

Лицензиар интеллектуал фаолият натижаларидан ёки шахсийлаштириш воситаларидан лицензия шартномасида назарда тутилган ҳуқуқлар доирасида ва унда белгиланган усуллар орқалигина фойдаланади. Интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи лицензия шартномасида тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, лицензиатга тақдим этилмаган ҳисобланади.

Лицензия шартномаси ёзма шаклда тузилади. Лицензия шартномаси қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Лицензия шартномасини тузишда ушбу шартларга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Лицензия шартномасида интеллектуал фаолият натижаларидан ёки шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланишга йўл қўйиладиган ҳудуд кўрсатилиши лозим. Агар ушбу натижа ёки бундай воситадан фойдаланишга йўл қўйиладиган ҳудуд шартномада кўрсатилган бўлмаса, лицензиат фойдаланишни бутун Ўзбекистон ҳудудида амалга оширишга ҳақли.

Лицензия шартномасининг амал қилиш муддати интеллектуал фаолият натижаси ёки шахсийлаштириш воситаларига нисбатан мустасно ҳуқуқнинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги лозим. Агар лицензия шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган, шунингдек қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, лицензия шартномаси беш йил муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Мустасно ҳуқуқ бекор бўлган ҳолларда шартнома ҳам бекор бўлади.

Агар шартномада бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса, лицензия шартномаси бўйича лицензиат лицензиарга шартномада белгилаб қўйилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Ҳақ эвазига тузилган лицензия шартномасида тўланадиган ҳақ миқдори ёки уни белгилаш тартиби тўғрисидаги шартлар мавжуд бўлмаган тақдирда, шартнома тузилмаган ҳисобланади. Бунда ушбу кодекснинг шартнома баҳосини белгилаш тўғрисидаги қоидалари қўлланилмайди.

Лицензия шартномалар бўйича тўловлар бир марталик қатъий белгиланган ёки даврий тўловлар, фоиз, даромад, тушумдан ажратмалар ёки бошқа шаклда назарда тутилиши мумкин.

Агар қонунда бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса, мутлақ лицензия шартларида мустасно ҳуқуқнинг бутун амал қилиш муддатида ва дунёнинг барча ҳудудида тижорат ташкилотлари ўртасида интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини текинга беришга йўл қўйилмайди.

Лицензия шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши шарт:

фойдаланиш ҳуқуқи шартнома бўйича тақдим этилаётган интеллектуал фаолият натижаси ёки шахсийлаштириш воситасини кўрсатиш йўли билан

шартномани предмети, тегишли холларда бундай натижа ёки бундай воситага нисбатан мустасно ҳуқуқни гувоҳлантирувчи ҳужжат (патент, гувоҳнома) рақами ва берилиш санаси кўрсатилиши лозим;

интеллектуал фаолият натижаси ёки шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш усуллари.

Интеллектуал фаолият натижаси ёки шахсийлаштириш воситаларига нисбатан мустасно ҳуқуқларнинг янги ҳуқуқ эгасига ўтиши аввалги ҳуқуқ эгаси билан тузилган лицензия шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига 1036³-модда “Лицензия шартномасини ижро этиш” деб номланган моддани киритиш ва унда қуйидаги қондани белгилаш таклиф қилинади:

Интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситалари бўйича тарафлар томонидан лицензия шартномаларида назарда тутилган ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш лицензия шартномасини ижро этиш деб эътироф этилади.

Лицензия шартномасида ёки қонунда бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса, Лицензиат интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар бериши шарт. Агар интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларнинг тақдим этилишини назарда тутувчи лицензия шартномасида тақдим этиш муддатлари, тартиби кўрсатилган бўлмаса, лицензиар бундай ҳисоботларни лицензиат талаблари бўйича тақдим этиши лозим.

Лицензия шартномаси амал қилган муддат давомида лицензиар шартномада белгиланган доираларда интеллектуал фаолият натижалари ёки шахсийлаштириш воситаларидан лицензиатга тақдим этилган фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни қийинлаштирувчи у ёки бу ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийиши шарт.

